

Жиззахдаги Қуръон курси тингловчилари «Hilol Nashr»да



16:13 / 27.02.2025 840

Бугун 27 февраль куни «Hilol Nashr» нашриётига Жиззах шаҳридаги «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» ўқув курси тингловчилари ташриф буюрдилар.

Қуръон ихлосмандларини нашриёт вакиллари мамнуният билан кутиб олдилар.

Даставвал, Қуръон курси тингловчилари нашриётнинг бош дўконига келиб, у ердаги барча шарт-шароитлар, халқимиз учун ташкил этилган мўъжазгина кутубхона, умуман, барча жараёнлар билан яқиндан танишиб, илиқ таассурот билан чиқдилар.

Сўнгра шайх ҳазратлари томонидан асос солинган «Hilol Nashr» нашриёт-матбааси босмахонасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, таҳририятда китобларнинг нашрга тайёрланиши, босмахонада чоп этилиши билан боғлиқ бир қанча жараёнларни ўргандилар, ҳар бир чоп этилаётган китобларнинг нечоғли залворли эканини гувоҳи бўлдилар. Ушбу китобларнинг то ўқувчи қўлига тайёр ҳолда етиб боргунича бўлган ҳолатларни кўздан кечириб, ҳар хил ҳажмдаги тажвидли мусҳафи шарифнинг нашр этилаётганидан

қалбларида хушнудлик ва хурсандчиликни туйдилар.